ҚҲММБ: 10/17/2956/0429-сон
20.12.2017 й.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 2956
2017 yil 19 dekabr

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунининг $5^1$-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 690-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. 2018 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари 1-103-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон “2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2843, 2016 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 48-сон, 553-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2017 йил 10 августдаги 4-мб-сон “2017 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2843-1, 2017 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 33-сон, 870-модда).

3. Ушбу қарор 2018 йил 1 январдан кучга киради.

**Раис** **Б. Бегалов**

Тошкент ш.,
2017 йил 9 ноябрь,
6-мб-сон